



Issues related to the concept and content-essence of the procedural function of the head of the investigative body

Shokhrukh KHALILOV¹

Law Enforcement Academy of the Republic of Uzbekistan

ARTICLE INFO

Article history:

Received October 2025

Received in revised form

5 October 2025

Accepted 10 November 2025

Available online

25 November 2025

Keywords:

preliminary investigation,
criminal procedure,
investigator,
head of the investigative
body,
status,
function,
leadership,
obligation.

ABSTRACT

This article analyzes issues related to the concept and essence of the procedural function of the head of the investigative body. Also, problems related to the fact that a correct understanding of the essence of procedural functions has a significant impact on the structure and principles of the entire criminal process have been thoroughly studied. At the same time, national and foreign scientists and legislation were analyzed.

2181-1415/© 2025 in Science LLC.

DOI: <https://doi.org/10.47689/2181-1415-vol6-iss11/S-pp33-39>

This is an open access article under the Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) license (<https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/deed.ru>)

Тергов органи раҳбарининг процессуал функцияси тушунчаси ва мазмун-моҳияти билан боғлиқ масалалар

АННОТАЦИЯ

Калит сўзлар:

дастлабки тергов,
жиноят процесси,
терговчи,
тергов органи бошлиғи,
мақоми,
функция,
раҳбарлик,
мажбурият.

Мазкур мақолада тергов органи раҳбарининг процессуал функцияси тушунчаси ва мазмун-моҳияти билан боғлиқ масалалар таҳлил қилинган. Шунингдек процессуал функцияларнинг мазмун-моҳиятини тўғри тушуниш бутун жиноят процессининг тузилиши ва принципларига сезиларли таъсир кўрсатишига доир муаммолар атрофлича ўрганилган. Шу билан бирга, миллий ва хорижий олимларнинг фикрлари ҳамда қонунчилиги таҳлил қилинган.

¹ Independent Researcher, Law Enforcement Academy of the Republic of Uzbekistan.

Вопросы, связанные с понятием и сущностью процессуальной функции руководителя следственного органа

АННОТАЦИЯ

Ключевые слова:

предварительное следствие, уголовный процесс, следователь, руководитель следственного органа, статус, функция, руководство, обязанности.

В данной статье анализируются вопросы, связанные с понятием и сущностью процессуальной функции руководителя следственного органа. Также подробно изучены проблемы, касающиеся того, как правильное понимание сущности процессуальных функций оказывает значительное влияние на структуру и принципы всего уголовного процесса. Вместе с тем проанализированы работы отечественных и зарубежных ученых, а также законодательство.

Жиноят процессуал ҳуқуқий фанида жиноят ишлари юритувчи мансабдор шахслар, яъни тергов органи раҳбарининг бажарадиган функциялари тўғрисидаги масалалар ҳар доим диққат марказда бўлган. Чунки процессуал функцияларнинг мазмун-моҳиятини тўғри тушуниш бутун жиноят процессининг тузилиши ва принципларига сезиларли таъсир кўрсатади. Кўп йиллардан бери процессуалист олимлар тергов органи раҳбари томонидан бажариладиган процессуал функцияларни муҳокама қилиб, турли нуқтаи назарларни илгари сурганлар. Илм-фан ва амалиётда тергов органи раҳбарининг бажарадиган функциялари ҳақида яхлит бир тушунча ишлаб чиқилмаган. Шу боис, тергов органи бажарадиган функцияларни бугунги кун нуқтаи назардан ўрганиш долзарблигича қолмоқда.

Аввало, тергов органи раҳбари бажарадиган функцияларни таҳлил қилишдан олдин, процессуал функция атамасини аниқлаб олиш лозим. Негаки, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексида функция атамаси ва тушунчаси қўлланилмаган. Функция сўзи (лотинча function) – бажариш, вазифа, фаолият доираси, мажбурият, роль маъноларини англатади [1].

М.С. Строгович, В.М. Савицкий, Я.О. Мотовиловкерлар процессуал функция – бу жиноят-процессуал фаолиятнинг муайян йўналиши, тури деган ғояларни илгари сурадилар [2]. П.С. Элькинд фикрича, ҳуқуқ нормалари билан белгиланадиган ва бундай фаолиятнинг тегишли йўналишларида ифодаланган махсус вазифа ва унинг иштирокчиларининг роли тушунилади [3]. Аксарият олимлар жиноят процессуал функциялар деганда, иштирокчиларнинг процессуал фаолиятининг асосий турлари, йўналишларини тушунганлар, улар бундай фаолият натижасида эришиладиган вазифаларга қараб жиноят процессида фарқланиши мумкин [4]. И.В. Тиричев шундай деб ёзган эди: “Ишда иштирок этишнинг роли, вазифаси ёки мақсадидан келиб чиқадиган субъектлар фаолиятининг турлари, йўналишлари процессуал функциялар деб аталади” [5]. Б.Х. Толеубекова жиноят-процессуал функциялар деганда жиноят процессида дифференциация қилиниши мумкин бўлган процессуал фаолиятнинг асосий турлари ва йўналишларини тушунади, улар иш юритувини олиб боровчи ваколатли органлар фаолияти натижасида эришиладиган махсус ва хусусий мақсад ва вазифаларга боғлиқ бўлиб, унда ўз манфаатларини ҳимоя қилувчи

бошқа шахслар иштирок этади [6]. Г.П.Химичеванинг фикрича, процессуал функцияларга жиноят процесси иштирокчилари томонидан ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини бажариш орқали амалга ошириладиган процессуал фаолият йўналишлари сифатида қараш лозим [7]. С.И. Гирко фикрича, жиноят процессуал функцияларни жиноят суд ишларини юритишнинг мақсади билан бевосита боғлиқ бўлган ва унинг вазифаларини ҳал этишга қаратилган, мазмуни субъектларининг махсус ваколатлари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари билан белгиланадиган жараён иштирокчилари фаолиятининг йўналишлари сифатида тушуниш мумкин [8]. Г.З. Тўлаганова ва С.М. Раҳмоновалар жиноят процессининг функциялари деганда жиноят-процессуал фаолиятнинг асосий йўналишлари тушунилади. Маълумки, суриштирув, дастлабки тергов, прокуратура ва суд органларининг жиноят-процессуал фаолияти бир хил бўлмай, ўз мазмунига кўра, бир неча йўналишларда амалга оширилади. Жиноят процессининг функциялари жиноят суд иш юритуви субъектларининг процессдаги роли ва вазифасидан келиб чиқади [9]. В.А. Миренский, жиноят процесси олдида турган вазифаларни ҳал қилиш жараёнининг бориши ва якунланишини таъминловчи органлар ва шахсларни фаолиятининг бош йўналишлари сифатида қарайди [10].

Юқоридаги процессуалист олимларнинг нуқтаи назарларни таҳлил қилиб, жиноят процессининг функцияси қуйидаги ўзига хос белгиларга эга, деган хулосага келса бўлади: **1)** жиноят процесси олдида турган вазифаларни ҳал қилиш (В.А. Миренский); **2)** жиноят-процессуал фаолиятнинг асосий йўналишлари (М.С. Строгович, В.М. Савицкий, Я.О. Мотовиловкер); **3)** жиноят процессуал функциялар жиноят суд ишларини юритишнинг мақсади билан бевосита боғлиқ (И.В. Тиричев); **4)** ҳуқуқ нормалари билан белгиланади (П.С. Элькин); **5)** субъектларнинг процессдаги роли ва вазифасидан келиб чиқиб, уларнинг функциялари белгиланади (Г.З. Тўлаганова, С.М. Раҳмонова); **6)** жиноят процесси иштирокчилари томонидан ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга ошириш орқали амалга ошириладиган процессуал фаолият йўналишлари сифатида (Г.П. Химичева).

Биз В.М. Савицкийнинг қарашларига қўшилган ҳолда, “ваколатлар ва функциялар” турли тушунчалардир, деб ҳисоблаймиз. Агар биринчиси ҳуқуқ ва мажбуриятлар мажмуини англатса, иккинчиси фаолиятнинг асосий йўналиши деб ҳисобланади. Шундай қилиб, функция тергов органи бошлиғи функцияси тушунчасига нисбатан умумий тушунчадир.

Демак, **жиноят процессининг функцияси** деганда – процесснинг барча иштирокчилари муайян ҳуқуқ ва мажбуриятларни амалга ошириш орқали жиноят процессуал вазифаларини амалга оширишга хизмат қиладиган процессуал фаолиятнинг маълум (одил судлов, таъқиб, айблаш, ҳимоя) йўналишлари тушунилади.

Бизнинг фикримизча, жиноят процессуал функцияларни фаолиятнинг асосий йўналишлари сифатида жиноят процессида иштирок этадиган шахсларнинг функциялари билан адаштирмаслик керак. Албатта, жиноят процессуал функциялари жиноят процессуал фаолиятининг энг муҳим йўналишларидан бири саналади, уларнинг йўналишлари муайян бир фаолиятга эришишга қаратилган асосий мақсад билан фарқланади. Иштирокчиларнинг айниқса мансабдор шахсларнинг функцияларига уларга юклатилган ўзига хос ва муҳим вазифаларига, шунингдек, кўзланган мақсадлар ва манфаатларига мувофиқ амалга ошириладиган фаолият тури сифатида қараш мумкин.

Бугунги кунда ҳам Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексида функциялар масаласи очиқ қолган. Аммо агар Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 25-моддаси иккинчи қисмига мурожаат қиладиган бўлсак, унда биз қонун чиқарувчининг тортишувчанлик принципини тушунтиришда жиноят ишини таъқиб қилиш (айблаш), ҳимоя қилиш ва ҳал этиш функцияларини бир-биридан алоҳида эканлигини ва айнан бир органга ёки айнан бир мансабдор шахсга юкланмаганлигини кўришимиз мумкин. Бундан ташқари, ушбу модданинг бешинчи ва олтинчи қисмларида: “Суд айблов ёки ҳимоя тарафида турмайди ҳамда уларнинг бирон-бир манфаатларини ифодаламайди” ҳамда “Суд холислик ва беғаразликни сақлаган ҳолда тарафлар процессуал мажбуриятларини бажаришлари ва берилган ҳуқуқларини амалга оширишлари учун зарур шароитлар яратиб беради” деб ёзилган [11]. Гарчи қонун чиқарувчи “функция” атамасини ишлатмаган бўлса-да, жиноят ишини таъқиб қилиш (айблаш), ҳимоя қилиш ва ҳал этишни (холис) вазифалар деб атаган ва шунга мос равишда, процесснинг барча иштирокчиларини функционал йўналишига қараб тайинлаган бўлса-да, функция тушунчаси масаласи очиқ қолган.

Шу билан бирга, қонун чиқарувчи бир қатор, жумладан, ҳимоя, айблаш ва ишни ҳал қилиш функцияларини асосий йўналиш сифатида ажратган бўлса-да, аммо қонун чиқарувчи ушбу учта асосий функцияларни қайси процесс иштирокчилари томонидан бажарилиши лозимлиги ҳақидаги саволга жавоб бермайди, шу боис, баъзи олимлар ушбу функцияларни кўпайтиришига [12] ёки уларнинг тизимли даражалар бўйича таснифлашга ҳаракат қиладилар [13].

Агар биз жиноят процессидаги ҳар бир иштирокчининг фаолият мақсади ва бажарадиган вазифаси нуқтаи назаридан функцияларни таҳлил қиладиган бўлсак, ўнлаб турли функциялар мавжудлигини ишонч билан айтишимиз мумкин бўлади. Демак, агар тергов органи раҳбари бир қатор ўзига хос функцияларни (масалан, назорат, дастлабки тергов, айблаш, процессуал раҳбарлик, қонун устуворлигини таъминлаш ва бошқалар) бажаради деб фараз қилсак, у ҳар доим ушбу ўзига хос функцияларни амалга оширишда қонун чиқарувчи томонидан белгиланганидек, таъқиб қилишнинг жиноят процессуал функцияларини (айблаш) амалга оширади.

Шундай қилиб, тергов органи раҳбари муайян ваколатлар орқали ўзига хос муайян функцияларни бажаради ва шу тариқа умумий жиноят процессуал вазифаларни амалга оширишда иштирок этади. Унда тергов органи раҳбарининг функциялари ва уларнинг умумий жиноят процессуал вазифаларни амалга оширишдаги ўрни ва роли ҳақида саволлар туғилади.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, жиноят процессида иштирок этаётган ҳар бир иштирокчи ишда ўзига хос муайян функцияни бажаради, гарча баъзилари ҳал қилувчи (судья ҳукми, холис (гувоҳ) иштирокчи) бўлиб иштирок этса, баъзилари эса, айблаш ёки бошқача қилиб айтганда таъқиб қилиш (прокурор, терговчи, тезкор ходим, жабрланувчи) функциясини бажарса-да, бошқаларига эса иш бўйича умуман функциялар (мутахассис, таржимон) тааллуқли эмас. Бундан келиб чиқадикки, жиноят процессида иштирок этаётган ҳар бир шахс бир вақтнинг ўзида бир нечта функцияларни бажариши мумкин, уларнинг айримларига берилган ваколатдан келиб чиқиб, асосий процессуал функцияларни бажариш билан бирга, бир вақтнинг ўзида ушбу функция уларнинг асосий йўналиши сифатида қараш ҳам мумкин, бошқалар эса қўшимча функцияларни бажаришдан

келиб чиқади ёки иштирокчиларнинг процессуал функцияларини амалга оширишда ёхуд рўёбга чиқаришда кўмаклашиши ҳам (ҳимоячи, адвокат, вакил) мумкин. Албатта тергов органи бошлиғи ушбу функцияларни бажариши учун қонунда унинг муайян ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгиланган бўлиши лозим.

Жиноий таъқиб қилиш тушунчаси ва мазмун-моҳияти деярли кўпгина мамлакатлар қонунчилигида очиб берилган. Жумладан, Қозоғистон Жиноят-процессуал кодексининг бир қатор моддаларида жиноий таъқиб тушунчаси ва унинг амалга ошириш ваколатига эга бўлган мансабдор шахслар, амалга ошириш тартиби ҳамда ҳолатлари ёритилган. Масалан, ушбу Қонуннинг 7-моддаси 22 ва 23-бандларида жиноий таъқиб тушунчасига таъриф берилган. Унга кўра, жиноий таъқиб – бу жиноят қонуни билан тақиқланган қилмишни ва уни содир этган шахсни аниқлаш, айбдорни фош этиш, шунингдек, бундай шахсга жазо ёки бошқа жиноий-ҳуқуқий чоралар қўлланилишини таъминлаш мақсадида прокуратура томонидан амалга ошириладиган процессуал фаолиятдир. Жиноий таъқиб қилувчи органлар: прокурор; суриштирувчи; терговчи; терговга қадар текширувчи амалга оширувчи мансабдор шахслар [14]. Шу билан бирга, ушбу Қонуннинг 34-моддасида жиноий таъқиб қилишнинг умумий шартлари баён этилган. Бинобарин, жиноий таъқиб қилувчи органлар жиноий ҳуқуқбузарликни аниқлаган ҳолатларда жиноят процессуал вазифаларини бажаришлари лозим. Жиноий таъқиб қилувчи органлар ўз вазифаларини амалга оширишда мустақилдирлар, уларнинг ишига аралашиб қонунга биноан жавобгарликка тортилади. Жиноий таъқиб қилувчи орган жиноятдан жабр кўрган шахснинг адолатга эришишини таъминлаши ва жиноят натижасида етказилган зарарни қоплаш чораларини кўриши шарт. Жиноий таъқиб қилувчи органнинг буйруқларини жисмоний ва юридик шахслар бажаришлари шарт. Жиноят ишини тугатиш бир вақтнинг ўзида жиноий таъқибни тугатишни англатади. Жиноий таъқибни истисно қилувчи ҳолатларни аниқлаган жиноий таъқиб органи ишни судга қадар юритишнинг исталган босқичида жиноят ишини тугатиш тўғрисида қарор чиқаради. Суд жиноий таъқибни истисно қиладиган ҳолатларни аниқласа, жиноят ишини тугатиш масаласини ҳал қилиши шарт. Судья ишни адолатли ҳал қилиш мақсадида зарур материаллар билан бирга прокурорга юборади (Қонуннинг 35-моддаси). Қирғизистон Жиноят-процессуал кодексининг 24-моддасига биноан, жиноий таъқиб, оммавий, хусусий-оммавий ва хусусий амалга оширилиши мумкинлиги қайд этилган. Ушбу қонунчиликда фақат жиноий таъқиб қилиш терговчига ва прокурорга юклатилган. Шахсларнинг аризаси бўлмаган тақдирда ҳам, терговчи, прокурор жиноий таъқиб қилиши мумкин [15]. Россия Жиноят-процессуал кодексининг 5-моддасига мувофиқ, жиноий таъқиб – жиноят содир этишда гумон қилинувчи, айбланувчини фош этиш мақсадида айблов тарафи томонидан амалга ошириладиган процессуал фаолият эканлиги тилга олинган. Россия жиноят процесуал қонунчилигида жиноий таъқиб бўйича ўрнатилган қоидалар [16] Қирғизистон, Қозоғистон жиноят процессуал қонунчилигидаги қоидаларга ўхшашдир. Фақат Россия жиноят процессуал қонунчилигида жиноий таъқиб қилиш функцияси тергов органи бошлиғига ҳам берилган. Қайд этилганлардан маълум бўладики, хорижий мамлакатлар қонунчилигида жиноий таъқиб қилувчи органларга жиноят процессуал қонунчилигида қўйилган вазифаларни бажариш мажбурияти юклатилган.

Жиноий таъқиб қилиш функцияси прокурорга, терговчига, суриштирувчига ва терговга қадар текширувни амалга оширувчи органга тегишли мажбуриятдир. Суд ҳокимияти эса холис орган сифатида сақлаб қолинган.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Краткий словарь иностранных слов. Гос. изд. иностр. и нац. словарей. М., 1950. С. 400.
2. Строгович М.С. Курс советского уголовного процесса.- Т.1.- М.: Наука, 1968.- С.188
3. Савицкий В.М.Очерк теории прокурорского надзора в уголовном судопроизводстве. - М., 1975.-С.30
4. Мотовиловкер Я.О. О принципах объективной истины, презумпции невиновности и состязательности процесса.- Ярославль, 1978.- С.67-76.
5. Элькинд П.С. Сущность советского уголовно-процессуального права.- Л.,1963.-С.54-55.
6. Зинатуллин З.З., Зинатуллин Т.З. Еще раз об уголовно-процессуальных функциях // Проблемы совершенствования и применения законодательства о борьбе с преступностью: материалы Всероссийской научно-практической конференции, посвященной 95-летию Башкирского государственного университета. Часть I. Уфа: РИО БашГУ, 2004. С. 43.
7. Уголовно-процессуальное право РФ: учебник/отв.ред. П.А. Лупинская. М.: Юрист., 1998. С.74.
8. Толеубекова Б.Х. Уголовно-процессуальное право РК. Часть Общая: учебник. Алматы, Баспа, 1998. С.73.
9. Химичева Г.П. Досудебное производство по уголовным делам: концепция совершенствования уголовно-процессуальной деятельности. М.: Экзамен, 2003. С. 49.
10. Гирько С.И. Уголовно-процессуальные функции милиции (теоретические, правовые и прикладные проблемы): автореф. дис... д-ра. юрид. наук. М., 2004. С. 26.
11. Jinoyat-protsessual huquqi. Umumiy qism. Darslik. // Mualliflar jamoasi. / yu.f.d., dots. G.Z.To'laganova va yu.f.n., dots. S.M.Raxmonovalarning umumiy tahriri ostida –Toshkent: TDYU nashriyoti, 2016. – 19 bet.
12. Миренский В.А. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят процесси. Дарслик. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси нашриёти. Тошкент. 2012. – Б. 15.
13. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. – Т.: Ўзбекистон. 2025.
14. Р.Д. Рахунов к числу самостоятельных процессуальных функций относит функции расследования уголовного дела, поддержания гражданского иска, защиты от гражданского иска. См.: Рахунов Р.Д. Участники уголовно-процессуальной деятельности. - М., 1961.- С. 47.
15. П.С. Элькинд, понимая под процессуальными функциями специальное назначение и роль участников процесса, определяемые нормами права и выраженные в соответствующих направлениях процессуальной деятельности, классифицирует функции на основные, вспомогательные, побочные. См.: Элькинд П.С. Сущность советского уголовно-процессуального права. - Л., 1963. -С. 54-69.
16. Уголовно-процессуальный кодекс Республики Казахстан от 4 июля 2014 года № 231-V (с изменениями и дополнениями по состоянию на 16.09.2025 г.).

17. Уголовно-процессуальный кодекс Кыргызской Республики от 28 октября 2021 года № 129 (с изменениями и дополнениями по состоянию на 22.09.2025 г.).

18. "Уголовно-процессуальный кодекс Российской Федерации" от 18.12.2001 N 174-ФЗ (ред. от 27.10.2025)